

АМАРАНТ ЎСИМЛИГИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ

А.Эргашев, М.Т. Юлчиева

Тошкент фармацевтика институти, Тошкентш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: амарант ўсимлиги баргида кўп миқдорда оксил модда, каротин ва витаминлар тутиши, унинг мойи тиббиётда меъда ва ичак яраларини даволашда ишлатилишини ҳисобга олиб, уни ўстириш технологияси ўрганилди.

Усуллар: дала тажрибалари Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент аграр университетининг тажриба майдончасидаги суғориладиган типик бўз тупроқларда ўтказилди. Ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, тупроқ таркибидаги азот, фосфор ва калий элементларни анализ қилиш

Ўз Р ФА “Ботаника” боғи (1976 й) ва Тупроқшунослик ва агрохимё институти (1983 й) услубий қўлланмалари асосида бажарилди. Амарантни экишни барқарор илиқ об-ҳавода (апрель-май ойларида), тупроқнинг уруғ тушган чуқурлиги 10—12 градусгача қизиган пайтда ўтказиш тавсия қилинади. Шунинг кўзда тутиш лозимки, уруғ тушган тупроқда унинг униб чиқиши учун иссиқликдан ташқари етарли миқдорда намлик бўлиши керак.

Ўсимликни экишдан олдин ерни юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш керак. Дастлабки 2-3 ҳафтада асосий эътиборни майсалар униб чиққандан кейин бегона ўтларни йўқотиш, қатор ораларини юмшатиш ва ягана қилишга қаратмоқ керак.

Ўсимликларни бўйи 10—15 см га етганда қатор ораларини ишлаш билан бирга уларнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида гектар ҳисобига 40 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити бериб, 5—6 см чуқурликда юмшатилади. Иккинчи озиқлантириш ўсимликнинг бўйи 30—35 см га етганда гектарига 30 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимликни озиқлантириш албатта суғоришдан олдин амалга оширилиши лозим. Ўсимлик озиқлантирилгандан ва суғорилгандан кейин унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Охириги озиқлантиришни унинг бўйи 70—80 см га етганда азотли ва калийли ўғитлар бериш билан тугалланади. Мавсум давомида амарантни 6—7 марта суғорилади ва гектарига 95—105 кг азот, 70 кг фосфор, 50 кг калий ўғити билан озиқлантирилади.

Хулоса: Амарант ўсимлигини суғориладиган типик бўз тупроқларда экиб ўстириш ва ундан юқори маҳсулот етиштиришда минерал ўғитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

